



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 10 май, № 95 (8157)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚАҲРАМОН ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА ХОТИРАСИГА ЮКСАК ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ғалаба боғига ташриф буюрди.



Ҳарбий оркестр ижросида “Хотирлаш куйи” янгради. Давлатимиз раҳбари “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуасига гулнамбар қўйди.

Бу мажмуа Иккинчи жаҳон урушида беш ўғлидан айрилган Зулфия ая Зокирова, унинг садқатли келинлари ва етим қолган набиралари хотирасига бағишлаб барпо этилган. У халқимизнинг урушдаги йўқотишлари, тинчлик учун кураши тимсоли сифатида боғ марказидан ўрин олган. Шу маънода “Матонат мадҳияси” урушда ўз боласидан, ўз еридан жудо бўлган барча оналар, барча аёллар шарафига ўрнатилган муаззам обидадир.

Боғда Қуролли Қучлар тизимига кирувчи вазирилик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам жам бўлди. Президентимиз улар билан суҳбатда халқимизга табрикларини йўллади.

— Бугун ушбу Ғалаба боғида туриб муқтарам фахрийларимизни, бугун халқимизни қутлуғ айём билан чин қалабимдан табриклайман. Бундай давларда қаҳрамон ота-боболаримиз хотирасини ёдга олиб, уларнинг жасорати олдида таъзим қиламиз. Уларнинг тинчлик ва озодликка бағишлаган серкирра ҳаёт йўли келгуси авлодлар учун ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, буюк меросдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бу маскан уруш оқибатларини, тинчлик қадрини ёдга солишини таъкидлади.

— Бугун дунё таҳликали бўлиб борапти. Ҳар дақиқа синовли

бўляпти. Бу бизга ҳам таъсир қилади-ми? Албатта таъсир қилади. Лекин халқимиз ҳаётига шу таъсирни камайтириш бўйича чоралар кўряпмиз. Меҳнатимиз билан, бирдамлигимиз билан, Худо хоҳласа, бу синовлардан ҳам ўтамиз, — деди Президент.

Вазирилик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари ҳам мажмуа пойига гуллар қўйди. Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олди.

Авал Тошкент шаҳрининг Олмасор туманида истикомат қилаётган Аббос ота Алпанов хонадонига борилди. Аббос ота 1924 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1942 йил февралда Смоленск шаҳрига урушга бориб, кейинчалик Беларусь, Польша, Германияда бўлган шиддатли жангларда иштирок этган. 1946 йилда юртимизга қайтган Аббос ота узоқ йиллар Ачаобод маҳалласидаги умумтаълим мактабидан немис ва инглиз тили фанида сабоқ берган, бошланғич синфлар учун “Немис тили” дарслигини ҳам ёзган.

Бу инсоннинг тинчлик йўлидаги хизматлари муносиб баҳолашиб, кўплаб давлат мукофотлари билан тақдирланган.

— Сизларни кўриб, яқиндан гаплашай, ҳол-аҳвол сўраб, сихат-саломатлик тилай деб ўзим келдим. Аввало, сизни, сиз орқали барча уруш қатнашчиларини, халқимизни байрам билан табриклайман. Ҳамиша соғ-саломат

бўлиб, дуоғўйимиз бўлиб, ёшларимизга намуна бўлиб юришларингизни тилайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

— Аллоҳнинг инояти, давлатимизнинг ғамхўрлиги ва меҳрибончилигидан мана шундай ёшларга етиб юрибмиз. Сизга ҳам Аллоҳдан мадад, халқимиз манфаати йўлидаги ишларингизга барака тилайман. Ҳурмат учун раҳмат, — дея миннатдорлик билдирди Аббос ота.

— Сизлар бу ҳурматга сазовор-сизлар, — деди Президент. — Кексаларни эъзозлаш улуг қадриятимиз. Биз буни давом эттиряпмиз. Ёшларимиз ҳам билсин, бундан ўрнак олсин.

Пиру бадавлат бобонинг фарзандлари ҳам нафақада. Бугун 21 нафар набира, 55 нафар эвара ва 7 нафар неварча билан умргузаронлик қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманида яшаётган Фёдор Федин хонадонига ҳам бўлди.

Фёдор Семёнович 1927 йилда Россиянинг Мордовия ўлкасида туғилган. 1944 йилда армияга чақирилиб, урушда алоқчи ва инструктор вазифасини бажарган. Минск шаҳри яқинидаги жангларда иштирок этган. Уруш тугагандан сўнг бир неча йил Хитойда хизмат қилган. 1949 йилда Тошкент шаҳрига келиб, авиация заводида ишлаган. Кўплаб меҳнат мукофотларини кўлга киритган. Турмуш ўртоғи билан бирга икки қизни тарбиялаб вояга етказган.

Президентимиз ушбу фахрийларнинг саломатлиги, яшаш шароитларини сўради. Бугунги тинчликка қўшган ҳиссаси, кўп йиллик самарали фаолияти учун уларга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Мирзо Улугбек туманида яшовчи Акмал ота Ақромовни ҳам зиёрат қилди.

Акмал ота 1924 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1941 йилда мактабни тамомлаб, машинасозлик заводида ишлаган. 1942 йилдан урушда қатнашиб, қаттиқ ярадор бўлган.

Юртимизга қайтгач, савдо, озиқ-овқат саноати соҳаларида меҳнат қилган. Нафақа ёшида Тошкент шаҳар Уруш ва меҳнат фахрийлари жамаиети раиси, “Нуроний” жамғармасининг шаҳар бўлими раҳбари лавозимларида фаолият юритган.

— Урушда қатнашиб, қаҳрамонлик кўрсатиб, урушдан кейин давлатимизга жуда кўп хизмат қилиб, фарзандларни, невараларни тарбиялаб, мана шундай мўътабар ёшга етганингиз жуда катта бахт-камол. Сизларнинг ҳаётингиз, ҳар бир гапингиз бизга мактаб. Илоҳим, соғлигингиз мустаҳкам, умрингиз янада узоқ бўлсин. Ёшларимизга сизларнинг йўлингизни, умрингизни берсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Акмал ота ҳам барча уруш фахрийлари номидан давлатимиз раҳбарини табрикларди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида барпо этилган “Уч авлод боғи”ни бориб кўрди.

Маҳаллалардаги маънавий муҳитни яхшилаш, ёшларни эзгу ишларга ундашда нуронийларнинг катта ҳаёт тажрибаси муҳим. Шу мақсадда маҳаллаларда, таълим муассасаларида кекса ва ўрта авлод вакиллари ҳамда ёшлар иштирокида “Уч авлод учрашувлари” ўтказилмоқда.

Ушбу янги боғ ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Илгари бу жой қаровсиз, йўллари нотекис эди. Энди Алимкент кўчаси таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Дарахт ва гуллар экилди, иссиқхона ва ишқомлар барпо этилди. Ўриндиқлар, пиёда ва велосипед йўлакларини аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит яратди.

Шу ерда нуронийлар, маҳалла фаоллари билан мулоқот бўлди. Улар эл-юрт фидойиларининг хотираси улуғланиб, кексаларга алоҳида ҳурмат кўрсатилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда 3 миллиондан ортиқ нуронийлар бор. Улар ҳар томонлама кўллаб-қувватланиб, соғлиғига эътибор қаратилмоқда. 28 мингга яқин нуронийлар санаторийларда соғломлаштирилди, 450 минг нафари чўқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Барча ҳудудларда Нуронийлар кенгашлари билан маҳаллаларда кексалар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозимлари ташкил қилинди. “Фахрий мураббий” ордени таъсис этилди. 3 минг 500 нафардан зиёд юртдошларимиз “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Шундай замон келяптики, маҳалла ҳақиқий куч бўляпти. Масала ҳал бўлаётганини халқимиз сезяпти. Ҳамма жойга нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшлар бўйича вакил қўйдик. Энди маҳалла раисининг “учта устун” бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Фармонига мувофиқ байрам арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва нигиронларнинг ҳар бирига 15 миллион сўмдан бир марталик пул мукофоти ва совғалар топширилди. Туман ва шаҳар ҳокимлари фронт ортида меҳнат қилган 10 минг нафар фахрийлар билан шахсан учрашиб, ҳолидан хабар олди.

Юртимиздаги бундай аҳиллик ва тинчликка шукр қилиб, уни авайлаш, нуронийлар ўз намунаси ва сўзи билан бунга ҳисса қўшиши кераклиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги “Юксалиш” бошқарув сервис компанияси фаолияти билан ҳам танишди. У етти та маҳалладаги 106 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Ҳисоб-китобларда биллинг тизими йўлга қўйилган. Компания биносидан ва кўп қаватли уйлarning ертўласида маиший хизматлар ташкил этилган. Шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат бўлиб ўтди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИДА ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАРДАН ҚУТЛОВЛАР КЕЛМОҚДА

Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 77 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар раҳбарлари ва таниқли сиёсий арбобларидан, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан қутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссасини алоҳида қайд этганлар. Табриқномаларда бугунги эркин ва тинч ҳаётимиз йўлида жанг майдонидан чинакам қаҳрамонлик, мислсиз жасорат ва матонат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрийларимизга чўқур ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик билдирилган.

Ўзбекистон Президенти ва халқига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаровонлик, мамлакатимизга барқарор тараққиёт ва раванқ тилаклари изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган: Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин** Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев** Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров** Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон** Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов** Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев** Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко** Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов** Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти **Нурсултон Назарбоев**

Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгаши Раисининг ўринбосари **Дмитрий Медведев** МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари бир-бирини, мамлакатларимизнинг биродар халқлари ва фахрийларини Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалаба куни билан самимий муборакбод этиб, сихат-саломатлик, бахт-саодат

ва фаровонлик, тинчлик ва раванқ тиладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг дол-

зарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзаро савдо ва инвестициялар кўрсаткичлари изчил ошиб бораётгани, парламентлар, ҳукуматлар ва ҳудудлар ўртасидаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо, саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, энергетика, инфратузилма ва бошқа устувор йўналишлардаги қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Президентлар минтақавий кўн

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими доирасида аграр соҳа учун халқроқ талаб ва стандартларга мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш, бу борада етакчи хорижий университетлар билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети (Royal Agricultural University,

кейинги ўринларда — ҳамкор университет) билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида **Халқаро қишлоқ хўжалиги университети** (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин: а) Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланганлиги: аграр соҳани ривожлантириш, жаҳон тенденцияларини ва тажрибасини ақс эттириш-

га мослашган **“Илмга асосланган, амалиётга йўналтирилган (science-based, practice-oriented) таълим” тамойили асосида** ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрлаш;

илм-фан ютуқлари ва инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, **агротехнология ва экологик барқарорлик амалиётларини ривожлантириш**, қишлоқ хўжалигида бизнес ва оператив са-

марадорликни ишлаб чиқишни қамраб оладиган илмий тадқиқотлар олиб бориш; қишлоқ хўжалиги ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда ўқув тизimini модернизация қилишга қаратилган **янги таълим дастурларини** ишлаб чиқиш ва жорий этиш; хорижий олий таълим муассасалари ва ташкилотлар билан **ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш**, қўшма таълим дастурлари ва лойиҳаларни амалга ошириш;

(Давоми 2-бетда).

»»»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

6) Университет битирувчиларига ҳамкор университетнинг дипломи берилди.

3. Белгилаб қўйилсинки: Университет Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети томонидан таъсис этиладиган тўлиқ академик ва молиявий мустақил бўлган давлат иштирокидаги олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Университет Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳр, банк ҳисобварақлари, штамп ва бошқа рекузитларга эга бўлади;

Университет томонидан бериладиган диплом Ўзбекистон Республикасида тан олинади;

Университетда таълим грант ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

Университет жалб этилган хорижий мутахассислар, маҳаллий ходимларнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини мустақил белгилайди;

Университет ректори Кузатов кенгаши билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Бунда Университет ректори Ўзбекистон Республикаси томонидан кўрсатилади.

4. Университетга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҚП-60-сон ва “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҚП-61-сон қарорларидан белгиланган академик, молиявий ва ташкилий мустақилликка оид тадбир-таомиллар татбиқ қилинади.

5. Қишлоқ хўжалиги вазири Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Университетда давлат муассасаси шаклидаги хўжалик ҳисобидан молиялаштириладиган Қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармок маркази (Capacity Building Center)ни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: давлат ва хусусий секторда фаолият юритувчи соҳа вакиллари, шунингдек, фермер хўжаликлари, кластерлар раҳбарлари ва мутахассисларини хорижий тажрибалар асосида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

маҳаллий қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ва профессионал таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот институтиларидан илмий салоҳиятни юксалтиришга ҳисса қўлиш, жумладан, тадқиқотчилар учун замонавий тадқиқотлар оқиб бериш ва нуфузли журналларда мақолалар чоп этишни қўллаб-қувватловчи ўқув курслари ташкил этиш;

ҳалқаро тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини аниқлаш учун доимий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2022 йил якунига қадар Университетда халқаро молия институтиларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган талабалар, магистрант ва илмий изланувчилар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишланмалари асосида стартап-лойиҳаларни яратиб ва амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланувчи давлат муассасаси шаклидаги “Agro Innovation Incubator” марказини ташкил этсин.

7. Халқаро қишлоқ хўжалиги университетининг Кузатов кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг ваколатлари этиб қуйидагилар белгилансин: Университетга талабаларни қабул қилиш параметрларини, Университетдаги таълим шакли, тури ва тилини белгилаш; Университетда янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисларини, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим бўйича докторантура ихтисосликларини очиб; Университет раҳбарияти ва ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчиларини ишга қабул қилиш тартибини белгилаш, шунингдек, уларнинг фаолиятига баҳо бериш, улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини (КР) тасдиқлаш; хорижий ва маҳаллий етакчи олий таълим муассасалари билан талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш ҳамда қўшма таълим дастурларини жорий этиш; Университетни ривожлантиришининг ўрта ва узоқ муددатли стратегик режаларини тасдиқлаш; бакалаврият, магистратура ва докторантурага қабул қилиш шартларини, шунингдек, талабаларни ўқишга қабул қилишда тест синовлари топшириладиган фанлар мажмуасини ва ўқиш учун тўлов миқдорини белгилаш; Университетнинг ўрта муددат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини муҳокама қилиш; Университетнинг ички аудит ва молиявий назорат хизмати молиявий назорат ўтказиш бўйича қўшимча топшириқ бериш ҳамда назорат тадбирларининг натижаси юзасидан ҳисобот олиш; қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

8. Университет фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Халқаро қишлоқ хўжалиги университети фаолиятини йўлга қўйиш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Қуйидагилар Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: Европа Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги соҳаси учун бюджет кўмаги дастуридан 6 миллион АҚШ доллари миқдоридagi ва Жаҳон банкининг 11 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлари; талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; хўжалик, илмий фаолият ва шартнома асосида хизматлар

кўрсатишдан тушадиган маблағлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳоимий хайриялари;

ҳалқаро молия ташкилотларининг грантлари ва муассислар маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Халқаро қишлоқ хўжалиги университетида ташкил этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев):

а) бир ой муددатда Университет устивининг тасдиқланиши ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин. Бунда: хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйсин; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022/2023 ўқув йили учун қабул жараёнини ташкил этсин; Университетнинг вақтинчалик биносини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқсин, ўрнатилган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ҳамда халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан бинода таъмирлаш-қурилиш ишларини ташкиллаштирсин; зарур бўлган ўқув, илмий лабораториялар, ўқув адабиётлари рўйхатини шакллантирсин ва харидини ташкил этиш чораларини кўрсин;

Университетни ташкил этиш даврида унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, юридик, иқтисодий, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этишда кўмаклашсин;

б) уч ой муددатда: Европа Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги соҳаси учун бюджет кўмаги дастуридан 300 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни жалб этган ҳолда етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан Университет профессор-ўқитувчиларини қисқа муددатли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида битимларни имзоласин; соҳа мутахассисларини, шунингдек, фермер хўжаликлари, кластерлар раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини тасдиқласин; Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муددатли профессионал ўқитиш курслари тўғрисидаги низоми тасдиқласин;

в) Қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармок маркази тўғрисидаги низоми тасдиқласин ва унинг фаолиятини 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб йўлга қўйсин;

г) 2024/2025 ўқув йилига қадар халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан етакчи лойиҳа ва пудратчи компанияларни жалб этган ҳолда Университет янги ўқув кампуси қурилишини таъминласин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш ва зирлиги ва Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 1 январдан бошлаб Университет илмий салоҳиятини ошириш учун бел-

гиланган тартибда ихтисослашган илмий кенгаш тузиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Бунда ихтисослашган илмий кенгаш аъзоларининг 50 фоизи халқаро ҳамкорлар ва хорижий ватандошлар орасидан танланади.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Университетни Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирсин.

Янги бино қурилгунга қадар Университетга Тошкент давлат аграр университетининг спорт мажмуаси, талабалар турархонаси ҳамда ўқув лабораторияларидан вақтинча фойдаланишга рухсат берилсин.

14. Ташки ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг виза талабномаларига биноан Университетга тақлиф қилинадиган чет эллик профессор-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) билан биргаликда худудларда Университет фаолияти ва 2022/2023 ўқув йили учун қабулни самарали ташкил этиш мақсадида тарғибот ишларини амалга оширсин.

16. “Эл-юрт умиди” жамғармаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) билан биргаликда Университетнинг маҳаллий профессор-ўқитувчилари, магистрантлари ва талабаларини “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш, стажировка ва ўқишга юбориш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини, қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар тизими доирасида аграр соҳа учун халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган иш-хотларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муددатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М.Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 7 май

ИНСОН — АЗИЗ, ҚАДРИ — МУҚАДДАС

Жойларда бўлиб ўтган байрам тадбирларида бу ҳақиқат яна бир қарра исботини топди.

Она Ватан тинчлиги, тунларимиз осойишталиги-ю, тонларимизни хотиржам, эзгу орзу-ният, янги режа-мақсад билан қарши олишимиз, фарзандларимиз кулгиси, кексаларимиз чекрасидаги шукроналик — нақадар улуг неъмат. Бу саодатни қадрлаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, элу юрт хизматида бўлиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Шукух

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига ўтган асрнинг суронли йилларини ёдга олиб, бугун кексаларимизга кўрсатилган нуронийларимизни йўқлаб, улар билан суҳбатлашиш асосида беихтиёр хаёлимиздан ана шу ўйлар ўтади. Иккинчи жаҳон урушида матонат кўрсатган ҳаюротларимиз жасоратини, асрни қаритган отахонларимизнинг уруш хотираларини тинглай туриб, ўтмишдан сабоқ оламиз.

Сана муносибати билан республика-миз бўйлаб ўтказилаётган байрам тадбирлари айнан шуниси билан аҳамиятли.

Бугун эрта тонгдан Қорақалпоғистон Республикаси парламенти ва ҳукмати аъзолари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, вазириликлар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари Нукус шаҳридаги Хотира майдонида йиғилди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг давлат мадҳиялари янгради. Дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Камалов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ. Сариев ва бошқалар ҳарбий оркестр музыка садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйди. Иккинчи жаҳон урушида жонини фидо қилганлар хотираси ёдга олинди.

Таъкидлаш ўринлики, Қорақалпоғистон Республикасида ҳозирги кунда Иккинчи жаҳон урушининг 4 нафар қатнашчиси яшайди. Байрам муносибати билан Тўртқул туманидан Иван Галенко, қораўзақлик Генжемурат Алланиязов, Нукус шаҳрида истиқомат қилаётган Қадирбай Нарманов ва қонлиқўлиқ Оразбай Наметуллаев хо-

номи мана шу майдондаги “Хотира китоби”га зарҳал ҳарфлар билан мангу муҳрланган. Мажмуага келган ҳар бир ватандошимиз уни варақлайди, унда битилган исмларни ўқиб туриб, жасорат, матонат кюкак кадрланишини дилдан ҳис қилади.

Жиззах вилояти ҳокими Э. Салиев жаззаҳлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Холмат Шарипов, Абдужалил Абдуҷабборов, Мамашариф Содиқов, Умар Абдурахимов ва Аҳмад Мирзаев хондонларида бўлиб, байрам билан қўллади. Шундан сўнг Жиззах шаҳридаги Хотира майдонида ўтган байрам тадбирида Иккинчи жаҳон урушида ва мустақиллик йилларида эл-юрт тинчлиги йўлида мардларча ҳалок бўлган ўғлонларнинг порлоқ хотираси ёд этилиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Иккинчи жаҳон урушида Наманган вилоятидан 79 минг нафар ўғлон жанг майдонларига борган. Афсуски, улардан 24 минг нафари Ватанга қайтмади. Турли



лар раҳбарлари, ҳарбийлар, меҳнат фахрийлари, ёшлар йиғилди.

Инсоният учун жуда катта азоб-ўқубатларга сабаб бўлган Иккинчи жаҳон урушида 152 мингдан ортиқ самарқандликлар иштирок этган. Уларнинг 73 минг нафари она юртига қайтмади. Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 13 нафар уруш қатнашчиси яшаб келмоқда. Байрам муносибати билан маҳаллий ҳокимлик ва жамоатчилик вакиллари бу фахрийларнинг хондониди бўлди.

Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов Иккинчи жаҳон уруши фахрийларига Президентимиз йўллаган табрик хатини ўқиб берди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонига қўра, уларнинг ҳар бирига 15 миллион сўмдан пул мукофоти, эсдалик совғалар ҳамда байрам тўхфалари тақдим этилди.

— Инсон учун энг катта бойлик — тинчлик ва тан-сиҳатлик, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Фазлиддин бобо



даражадаги орден ва медаллар билан қайтган 2 026 нафар матонатли юртодошимиз эса бор куч-ғайратини Ватан равнақи, ёш авлод камолоти учун сарфлади. Айни пайтда вилоятда 9 нафар уруш қатнашчиси, шунингдек, 827 нафар меҳнат фронти фахрийси умргузаронлик қилаётир.

Хотира ва Қадрлаш кунини олдида уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари хондонларига таширфлар уюштирилиб, уларга яна бир қарра иззат-икром кўрсатилди.

Поплик уруш фахрийси Мирзаархмон ота Абдурахмонов учун бу галги сана янада файзли кечди. Таваллуд кунининг бир асрлик юбилейини қутиб олган отахон учун туманининг мухташам “Ипак йўли” мажмуасида сўз усталари, танқидчи санъаткорлар иштирокида тантанали кеча уюштирилди.

Самарқанд шаҳридаги Хотира майдонида вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилот-

шаҳридаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Вилоят ҳокими Ф. Мирзаев, сектор раҳбарлари, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар ҳамда ёшлар Мотамсаро она ёдгорлиги пойига гуллар қўйдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар ўтганларни хотирлаб, Иккинчи жаҳон урушида чинакам қаҳрамонлик кўрсатган асл ўғлонлар номи авлодлар оша барҳаёт бўлишини, ибратли умр йўлини босиб ўтган кексаларимиз ҳамиша ардоқда эканини эътироф этди.

Сана муносибати билан шаҳар ва туманлар, маҳалла, меҳнат жамоалари ҳамда таълим муассасаларида кўплаб тадбирлар ташкил қилинди. Уруш қатнашчилари ва фронт орти ҳамда меҳнат фахрийлари тантанали равишда муборақбод этилди. Хусусан, Гулистон тумани ҳокими, сектор раҳбарлари ва бир ғуруҳ ёшлар Алишер Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибни, 86 ёшли Барат бобо Жўраев хондониди бўлиб, отахонини самимий табрикларди. Эътиборлиси, айни пайтда мазкур туман марказида янги, ҳар жиҳатдан кўркам Хотира хиёбони бунёд этилмоқда.

Сурхондарё вилоятида Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида 53 минг 365 нафар ўғлон жўнатилган. Айни кунларда вилоятда 14 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва фронт орти фахрийлари кексалик гаштини сурмоқда.

Хотира ва Қадрлаш кунини олдида вилоят ҳокимлиги, Жанубий оператив қўмондонлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими ҳамда бошқа давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари уруш майдонларида омон қайтган ана шу фахрийлар ҳолидан хабар олишти.

Шербод тумани “Галагузар” маҳалласида яшовчи Кенжа ота Эломов хондониди “Инсон азиз, хотира муқаддас”



Инсон қадрини улуғлаш, хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш янги Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлмоқда.

Ола қопнинг фойдаси

Худоёр Латипов Туркистон тоғ тизмалари этагидидаги қўнча Жўйлангар қишлоғида (ҳозирги Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани) 1922 йил 9 майда таваллуд топган.

Уруш бошланганида 19 ёшда бўлган Худоёр олти ойлик жанговар тайёргарликдан кейин Сталинград фронтинда жангга кирди.

1943 йил 18 апрелда Новгород шаҳрига яқин жойда бўлиб ўтган жангларда душман снарядидан оғир ярадор бўлиб, олти ой ҳарбий госпиталда даволанди.

Худоёр Латиповнинг кенжа фарзанди Марат Латиповнинг шахсий архивида отасидан ёдгор бўлиб қолган кўпгина хат ва ҳужжатлар бор.

Новгород шаҳри фахрий фуқароси

Худоёр Латипов ёшлигидан ижодга мойил инсон эди. У сурони жангларда, оқолларда ҳаёт-намоз орасида ҳам қаламини ташламаган.

Бирорта шоирдан олмадим таълим, Менга жанг майдони бўлди муаллим, деб ёзган эди у бир шеърда.

Худоёр Латипов шеърларини фақат яқинларига ўқиб беради. Фронтда биринчилардан бўлиб унинг қуролдошлари бу шеърлардан баҳраманд бўларди.

Аммо шундан кейин бир муддат ўтиб, Новгород партия қўмитасининг 1-котиби Ўзбекистонда бўлганда Шароф Рашидов билан бирга Мирзаҷўлғиди Худоёр Латипов раҳбарлик қилаётган ҳўжаликка келади.

Олис уруш мусибатлари

Уша пайтларда гарчанд қашқатқич жанглар узоқ ўлкаларда давом этаётган бўлса-да, унинг асорати, офати ҳар бир қишлоқда, ҳар бир хонадонда намоён эди.

Жўйлангар қишлоғида ҳам ушбу бахаллик тарқалгани боис ҳукумат то-



ЭЗГУЛИКНИНГ БОҚИЙ БОҒЛАРИ

монидан карантин эълон қилинади. Ушбу офат дастидан Худоёрнинг отаси, жуда кўп ҳамқишлоқлари, қариндошлари вафот этади.

Орадан бирмунча вақт ўтган, уни қишлоқда очилган етимхонага директор ўринбосари қилиб тайинлашди.

«Пешонамда борини кўраман»


Худоёр Латипов Ховос туманида ишлаган пайтларида янгидан ташкил этилган Боевўт ҳўжалигига масъул қилиб бириктирилади.

Икки-уч кундан кейин туманга траек, чинор, тол, жийда каби ўрмонбоп, шўрни тортадиган, ерининг захини қочирадиган турли кўчатлар олиб келинади.

Худоёр Латиповнинг ўзи бош-қош бўлди. Шунинг учун уни эса орасида Мирзаҷўлғиди раҳбарлик қилган йилларда кўчат қалинлигини ошириш туфайли ҳўжаликда пахта етиштириш учун қилинадиган харажат икки баравар камайиб, даромад салмоғи уч баравар ортди.

Худоёр Латиповнинг ўзи бош-қош бўлди. Шунинг учун уни эса орасида Мирзаҷўлғиди раҳбарлик қилган йилларда кўчат қалинлигини ошириш туфайли ҳўжаликда пахта етиштириш учун қилинадиган харажат икки баравар камайиб, даромад салмоғи уч баравар ортди.

кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди, меҳнат фахрийси Худоёр Латипов ана шундай улуғ инсонлардан бири эди.



«Палов едик, энди келаси гал сут ҳам ичсак...» Худоёр Латипов давлат ва жамоат арбоби, атоқли адиб Шароф Рашидовнинг назарига тушибди.

«Палов едик, энди келаси гал сут ҳам ичсак...» Худоёр Латипов давлат ва жамоат арбоби, атоқли адиб Шароф Рашидовнинг назарига тушибди.

Мирзаҷўлғиди раҳбарлик қилган йилларда кўчат қалинлигини ошириш туфайли ҳўжаликда пахта етиштириш учун қилинадиган харажат икки баравар камайиб, даромад салмоғи уч баравар ортди.

Мирзаҷўлғиди раҳбарлик, деҳқонлар академиги

Мирзаҷўлғиди раҳбарлик қилган йилларда кўчат қалинлигини ошириш туфайли ҳўжаликда пахта етиштириш учун қилинадиган харажат икки баравар камайиб, даромад салмоғи уч баравар ортди.

Худоёр Латиповнинг ўзи бош-қош бўлди. Шунинг учун уни эса орасида Мирзаҷўлғиди раҳбарлик қилган йилларда кўчат қалинлигини ошириш туфайли ҳўжаликда пахта етиштириш учун қилинадиган харажат икки баравар камайиб, даромад салмоғи уч баравар ортди.

понда нонушта қилишга ўтиришганида дастурхонга янги соғиб олинган сут келтирилади.

Шароф Рашидов сўздан бир пиёла ичган: «Худоёрхон, оғайни, Мирзаҷўлғиди сўзини ҳам ичдик.

Ҳаммаси қонуний, ҳеч қандай хиёнат йўқ...

Ўзбекистонга алоҳида топшириқ билан беғуноҳ халқни қатагон қилишга келган Гдлян ғуруҳи ҳамма вилоятлар каби Сирдарёда ҳам рўйхат тузган, очигини айтганда, уларнинг асл мақсади мамлакатдаги атоқли кишиларни йўқотишдан иборат бўлган.

Шундай қор рўйхатга Сирдарё вилояти бўйича 13 киши тушган экан.

Гдлян ғуруҳининг зуғуми авжга миниб, таъбир жоиз бўлса, республика аланга ичиди қолди.

Хўжалик раҳбарининг уч йиллик иш фаолияти текширилади.

Деҳқонлар шоири, шоирлар деҳқони

Ўтган йиллар мобайнида Худоёр Латиповнинг «Чўн гавҳари», «Машаққатли йиллар ёди», «Эсимда қолган кунлар», «Мирзаҷўлғиди бўламан», «Мен экан дарахтлар» ва «Қалб нидоси» каби китоблари чоп этилган бўлса-да, у ўзини қамтар тутиб, улуғ адибларнинг мухлиси ҳисобларди.

Шу кунги кетатуриб, Шароф Рашидов Худоёр Латиповга: «Хўжалигингиз даласида палов едик, энди ичиларга сизиги олиб берсангиз, келаси гал келганимизда сиз ҳам ичардиз», дейди қилиб.

Умрининг қарийб эллик йиллини Мирзаҷўлғиди ўзлаштиришга бағишлаган фидойи инсон Худоёр Латипов ҳаёт бўлганида бугун юз ёшга тўлган бўларди.

Умрининг қарийб эллик йиллини Мирзаҷўлғиди ўзлаштиришга бағишлаган фидойи инсон Худоёр Латипов ҳаёт бўлганида бугун юз ёшга тўлган бўларди.

Нуруллоҳ ОСТАНОВ («Халқ сўзи»)

байрамларда, хусусан, 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан маҳалла, сиёсий партиялар фаоллари, мутасаддилар, ҳарбийлар, савобталаб инсонлар, ёшлар совга-салом билан ҳовлимизга келиб, отамни кутлашди.


Табарқул эли Аҳмад отага келсак, у ҳали тетик, бардам. Уғли кўмағида орден-медаллар тақилган костюмининг кийишга чоғланаркан, Маҳмуд акага «Энгини ўнг қўлдан кийгизгин», дея уқтиришни унутмайди.

Интима БИРОХИМОВ («Халқ сўзи»)

Табарқул эли Аҳмад отага келсак, у ҳали тетик, бардам. Уғли кўмағида орден-медаллар тақилган костюмининг кийишга чоғланаркан, Маҳмуд акага «Энгини ўнг қўлдан кийгизгин», дея уқтиришни унутмайди.

МЕҲРИ ҚАЛБЛАРНИ ЁРИТГАН

Тошкент давлат аграр университети Селекция, уруғчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш факультетининг Агрохимия ва туپроқшунослик кафедраси фаолият кўрсатиб келмоқда.



Олим Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон ва Марказий Осиё учун агроном-туپроқшунослар тайёрлашнинг ташкилотчи, туپроқшунослик иши соҳаси илмий мактаби асосчиларидан бири эди.

Профессор Махидхон Баходиров мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида илмий ишларга бош-қош бўлиб, бир қанча ҳўжаликларга туپроқнинг агрономия хараиталарини тўзиб берди.

Махидхон Баходиров илмий жамоатчилик ўртасида араб грамматикасининг билимдони сифатида ҳам ном чиқаргани учун у 1944 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да ташкил қилинган Шарқшунослик факультетига ишга тақлиф этилди ва факультетнинг араб тили кафедрасига мудирилик қилди.

Она ерга меҳр-муҳаббат, туپроғи олтиндан қиммат ўлкамиз заминига қўш нури, қалб кўри, бутун борлигини бахш этган олим ўз умри давомида республика газета ва журналларида туپроқшунослик, деҳқончиликка оид жуда кўп илмий ва амалий мақолалар ёзди.

Туپроқ харитаси — бами-соли туپроқнинг кўзгуси. Ерни ҳайдаш, ўғит солиш, суғориш, туپроқнинг шўрини ювиш — буларнинг ҳаммаси туپроқ харитасида кўрсатиб, тушунтирилади.

Туپроқшунослик фанига оид тарихий маълумотлар билан байроқчилик туфайли «Халқ сўзи» мавзуда номзодлик илмий даражасини ёқлади.

Туپроқшунослик фанига оид тарихий маълумотлар билан байроқчилик туфайли «Халқ сўзи» мавзуда номзодлик илмий даражасини ёқлади.

НАЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

қирқдан ортиқ номдаги илмий асарлар яратди.

Падари бузқоримиз фарзанду талабаларга ёшлиқда кўпроқ билим олишга интилиш кераклигини уқтириб, Абу Абд-Мабрийнинг «Ёшлик — бу ёниб турган олов, агар ундан бирор нарса истасангиз, шонил, чунки давр уни сўндиради», деган ҳикмати-ни кўп эслади. Ҳар кун шонил ишга, ўқушга отланганимизда отамнинг: «Ўзингга эҳтиёт бўл, одамларга қўлингдан келганича яхшилик қил», деган насиҳатлари ода-ти ҳол эди. Бу гапнинг та-ғида олам-олам маъно бор-лигини бугун ҳар қадамда чўқур хис қиламиз.

Махидхон Баходиров илмий жамоатчилик ўртасида араб грамматикасининг билимдони сифатида ҳам ном чиқаргани учун у 1944 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да ташкил қилинган Шарқшунослик факультетига ишга тақлиф этилди ва факультетнинг араб тили кафедрасига мудирилик қилди.

Мен оилапарвар отамнинг меҳр дарёсидан баҳраманд бўлиб ўсганман. Қуёш нурлари Ер юзини ёритганидек, Махидхон Баходировнинг ҳам меҳр нури қалбларга ёруғлик бахш этган. Отамга дунёда энг кучли нарса нима, деб савол берганимизда, «Меҳр» деб жавоб берган эди.

Туپроқ харитаси — бами-соли туپроқнинг кўзгуси. Ерни ҳайдаш, ўғит солиш, суғориш, туپроқнинг шўрини ювиш — буларнинг ҳаммаси туپроқ харитасида кўрсатиб, тушунтирилади.

Туپроқшунослик фанига оид тарихий маълумотлар билан байроқчилик туфайли «Халқ сўзи» мавзуда номзодлик илмий даражасини ёқлади.

Туپроқшунослик фанига оид тарихий маълумотлар билан байроқчилик туфайли «Халқ сўзи» мавзуда номзодлик илмий даражасини ёқлади.

НАЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

ТАВАРРУК ЁШ ШУКРОНАСИ

Мабодо, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, айни дамда ҳаёт, ёши энг улуғ саналган юртдошларимиз рўйхати тузилса, Аҳмад Ғуломов номи олд қаторда турган бўларди.

Кечагидек ёйда: отаси уни титроқ кўллари билан бағрига босиб, хайрлашаркан, «Углим, пешонанг тошдан бўлсин!», дея дуога қўл очди. Ушунда 1939 йил эди. Йилгит эса ўзини олдинда нималар кутаётганини тасаввур ҳам қилмаганди.

куватта тўлган пайтим эмасми, шамолдай елиб-югурардим. Бу орада Иккинчи жаҳон уруши бошланди. «Хизматдошларим билан энди уйга, она юртимизга қайтамиз», деган илнжда юргандик. Ҳаммаси ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

Айтмоқчи, Аҳмад ота бир эмас, уч урушни кўрди. Япон урушида ҳам қатнашди. Ярадор бўлди, даволанди. Етти йиллик айрилиқдан сўнг она юртга соғ-омон қайтди.



Маҳмуд Ғуломов. — Юртимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари доимий ёъзодо. 2019 йилда Президент совғаси сифатида падали бузқоримизга «Дамас» русумли автомашина берилди.

Publication information block including contact details for the newspaper 'Xalq S'uzi', address, phone numbers, and subscription rates.